



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

20.02.2023 й Ўзбекистон тумани 4-1503-2301/170-сонли иш.

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, суд раиси М. Мирмаксудовнинг раислигида, Х. Тўйчиевнинг котиблигида, Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар Истикболли ғалла экспорт масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар [REDACTED] ига нисбатан 34 420 195 сўм асосий қарз, 19 225 851 сўм пеня, 96 148 250 сўм жарима ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан кўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан даъвогар раҳбари А.Саминжонов, даъвогар вакили С.Тешабоев (ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъво аризадан кўринишича, Истикболли ғалла экспорт масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) ҳамда [REDACTED] (кейинги ўринларда “жавобгар” деб юритилади) ўртасида бошоқли дон харид қилиш бўйича фьючерс шартномаси тузилган, шартномага асосан, даъвогар томонидан жавобгарга 38 451 703 сўмлик уруғлик буғдой етказиб берилган, лекин жавобгар томонидан уруғлик буғдой учун тўлов амалга оширилмаган, шунингдек, жавобгар даъвогар олдида 34 420 195 сўм қарздор бўлиб қолган, шартномага асосан жавобгар белгиланган режага нисбатан 93 194 кг миқдорида кам дон маҳсулоти топширган, даъвогар томонидан қарздорликни бартараф қилиш юзасидан жавобгарга талабнома юборилган, бироқ жавобгар томонидан талабнома оқибатсиз қолдирилган, натижада Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан 34 420 195 сўм асосий қарз, 19 225 851 сўм пеня, 96 148 250 сўм жарима ундиришни сўраган.

Даъвогар раҳбари суд мажлисида даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда огоҳлантирилган бўлса-да, суд мажлисида иштирок этмади, Иқтисодий процессуал кодекснинг 170-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд низони унинг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди.

Суд, тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади:



Иш хужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида бошоқли дон харид қилиш бўйича фьючерс шартномаси тузилган, шартномага асосан, даъвогар томонидан жавобгарга 38 451 703 сўмлик уруғлик буғдой етказиб берилган, лекин жавобгар томонидан уруғлик буғдой учун тўлов амалга оширилмаган, шунингдек, жавобгар даъвогар олдида 34 420 195 сўм қарздор бўлиб қолган, шартномага асосан жавобгар белгиланган режага нисбатан 93 194 кг миқдоридан кам дон маҳсулоти топширган, даъвогар томонидан қарздорликни бартараф қилиш юзасидан жавобгарга талабнома юборилган, бироқ жавобгар томонидан талабнома оқибатсиз қолдирилган, натижада Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан 34 420 195 сўм асосий қарз, 19 225 851 сўм пеня, 96 148 250 сўм жарима ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 8 ва 234-моддаларига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексад кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда мажбурият шартномадан келиб чиққан.

Фуқаролик Кодекси 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Фуқаролик Кодекси 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Фуқаролик Кодексининг 465-моддасига мувофиқ, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Фуқаролик Кодексининг 466-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Жавобгар томонидан топширилган дон маҳсулоти даъвогардан олинган бўнак маблағини қопламаганлиги натижасида, жавобгарнинг даъвогар олдида 34 420 195 сўм қарздорлиги вужудга келган.

Қайд этилганларга кўра, даъвони асосий қарз ундириш қисми асосли, суд даъвони 34 420 195 сўм асосий қарз ундириш қисмини қаноатлантиришни лозим топади.

Даъвонинг 19 225 851 сўм пеня ундириш қисмини муҳокама қилишда суд қуйидагиларга асосланди:

Фуқаролик Кодексининг 262-моддасига мувофиқ, неустойка ҳақидаги келишув тарафлар ўртасида ёзма равишда тузилиш керак.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 4.2-бандига мувофиқ, етказиб берилган уруғлик ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун тайёрловчига ўз



тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоиз миқдорида жарима тўлайди, жаримадан ташқари хўжалик тайёрловчига тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган пеня тўлаши белгиланган.

Даъвогар томонидан жавобгарга 38 451 703 сўмлик уруғлик дон маҳсулоти етказиб берилган, лекин жавобгар томонидан олинган уруғлик дон учун тўлов амалга оширилмаган. Шартномага кўра, даъвогар томонидан 19 225 851 сўм пеня тўғри ҳисобланган.

Фуқаролик Кодексининг 326-моддасига мувофиқ, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 15.06.2007 йил кунги 163-сонли Пленум Қарори 2-бандида қуйидагича тушунтириш берилган: “Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт.”

Қайд этилганларга кўра, жавобгар томонидан шартнома амал қилган даврда қарздорлик қисман қопланганлигини инобатга олиб, суд даъвонинг пеня ундириш қисмини қисман 5 700 000 сўмга қаноатлантиришни лозим топади.

Даъвонинг 96 148 250 сўм жарима ундириш қисмини муҳокама қилишда суд қуйидагиларга асосланди:

Фуқаролик Кодексининг 262-моддасига мувофиқ, неустойка ҳақидаги келишув тарафлар ўртасида ёзма равишда тузилиш керак.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 4.1-бандига мувофиқ, хўжалик маҳсулотни шартномада белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган тақдирда тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлайди, жарима миқдори ўтган даврда маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқарилади, бундан ташқари зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам хўжалик томонидан тўланиши белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномага кўра, жавобгар даъвогарга 93 194 кг дон маҳсулоти топшириши белгиланган, жавобгар томонидан дон маҳсулоти топширилмаган. Шартномага кўра, даъвогар томонидан 96 148 250 сўм жарима тўғри ҳисобланган.

Фуқаролик Кодексининг 326-моддасига мувофиқ, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда



қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 15.06.2007 йил кунги 163-сонли Пленум Қарори 2-бандида қуйидагича тушунтириш берилган: “Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт.”

Қайд этилганларга кўра, жавобгарнинг молиявий аҳволини инобатга олиб, суд даъвонинг жарима ундириш қисмини ҳам қисман 28 800 000 сўмга қаноатлантиришни лозим топади.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 118-моддасининг биринчи қисмига кўра давлат божи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда юкланади. Ушбу модданинг олтинчи қисмига кўра, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Қайд этилганларга кўра, суд харажатлари жавобгар зиммасига юкланиши лозим.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 178-179-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] ҳисобидан:

- даъвогар Истикболли ғалла Экспорт масъулияти чекланган жамияти фойдасига 34 420 195 сўм асосий қарз, 5 700 000 сўм пеня, 28 800 000 сўм жарима ва 30 000 сўм почта харажати;

суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига (Марказий банк Тошкент шаҳар, Бош бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази, МФО 00014, Х/Р: 23402000300100001010, Сtir: Ғазна. 201 122 919, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, ШХВ: 4014228603302303422103011) 2 995 885,92 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарордан норози тараф бир ой муддат ичида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

Раислик этувчи

М. Мирмаксудов

